



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси
1990 йил 1 мартдан чиқа бошлаган.



Динимизни ўрганамиз

№ 23 (760) 15.12.2024 | ۱۳.۰۶.۱۴۴۶

Аллоҳ йўлидаги эҳсоннинг

МИСОЛИ

Абу Хурайра розияллоху анху-дан нубувват замонида содир бўлган ажойиб бир воқеа ривоят қилинади. Бир куни саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан ўтирганларида тўсатдан сочлари қоп-қора, кийимлари оппоқ бир киши кириб келиб, Набий алайҳиссаломнинг олдиларига ўтириб, савол сўрай бошлади: “Эй Аллоҳнинг Расули, иймон нима? Исломи нима? Эҳсон нима?” Набий алайҳиссалом иймон ва Исломи нималигини айтганларидан сўнг, эҳсон ҳақидаги саволга бундай жавоб берди: **“Эҳсон – Аллоҳга худди Уни кўриб тургандек ибодат қилмоғингдир. Гарчи сен Уни кўрмасанг ҳам, албатта, У сени кўриб туради”** (Имом Бухорий ривояти). Уламолар иймон тўғрисидаги саволни ақоидга, Исломи тўғрисидаги саволни фикҳга, эҳсон тўғрисидаги саволни эса тасаввуфга оид деб таъриф берганлар. Ҳақиқатан, инсоннинг ақидаси тўғри бўлиб,

намоз, рўза, закот каби фарзларни адо этиш чоғида қалби иймон билан таскин топмаган бўлса, ибодати мукамал ҳисобланмайди.

“Эҳсон” сўзи араб тилида бир қанча маъноларни англатади. Масалан, “аъло даражада амалга оширмак”, “яхшилиқ қилмак” каби.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: **“Эҳсоннинг мукофоти фақат эҳсондир”** (Ар-Раҳмон сураси, 60-оят). Бу яхшилиқнинг мукофоти фақат яхшилиқ, деганидир.

Ояти каримада биринчи зикр қилинган эҳсон (яъни яхшилиқ) бандадан бўлиб, у Аллоҳ таолонинг ибодатини астойдил жидду жаҳд билан бажаришдир. Кейинги зикр қилинган эҳсон Аллоҳдан бўлиб, у Аллоҳ бандаларини жаннатига киритиши билан бўлади.

Демак, қилаётган ҳар бир иш-иш-иш-иш аъло даражада бажармоғи-

миз, бир-биримизга саховат кўрсатиб, яхшилиқ қилмоғимиз, неъматларни исроф этмаслигимиз эҳсон бўлади.

Бир олимга шогирди: “Устоз, мен эҳсон мақомига етдим. Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қиляман”, деди. Устози ундан: “Оиланг, қўни-қўшининг ва яқинларинг билан қандай ҳолатдасан?” деб сўради. Шогирд: “Расулуллоҳ алайҳиссалом эҳсонни ибодатларда демаганмидилар?” деди. Шунда устоз: “Аллоҳ таоло буюрган нарсаларни бажариб, қайтарганларидан қайтишинг ибодат эмасми?” деб саволига савол билан жавоб берди.

Кўпчилигимиз ибодат деганда намоз ўқиш, Қуръон тиловат қилиш ва шуларга ўхшаш маълум нарсаларнигина тушунамиз. Ҳолбуки, ибодат бу Аллоҳга қуллик қилиш демакдир. Намоз ўқиш, Қуръон тиловат қилиш вақтидагина Аллоҳга қул бўлиб, қолган вақтда қулликдан чиқиб қоламизми? Йўқ, ундай эмас.

4-бетда

Яхшилиқка чақириш

Никоҳ – файз-барака омили

Аллоҳ таоло айтади: **«Ўз ораларингиздаги тул-беваларни, қул ва чўриларингизнинг яхшиларини никоҳлаб қўйинглар. Агар камбағал бўлишса, Аллоҳ уларни Ўз фазли карами билан бой – беҳожат қилади. Аллоҳ (марҳамати) кенг, Билувчидир»** (Нур сураси, 32-оят).

Яъни, ичингиздан никоҳга қурби етадиган хур эркак ва аёлларни, шунингдек, қул ва чўриларингиз орасидаги солиҳ кишиларни никоҳлаб қўйинглар, муҳтожларга моддий, маънавий ёрдам беринглар. Қўлиқалталиқ уларни оила қуришдан тўсиб қўямасин. Агар камбағал бўлишса, Аллоҳ уларни Ўз фазли ила бой қилиб қўяди, ҳожатларини раво этади.



Аллоҳ хоҳлаган бандасига мўлризқ берувчи, карами кенг, бандалари ҳолидан хабардор Зотдир.

Ибн Аббос розияллоху анхумо: **“Бу оятда Аллоҳ таоло озода қул бандаларини никоҳланишга**

буюрмоқда, бунинг эвазига бойлик ваъда қилмоқда”, деб **“Агар камбағал бўлишса...”** оятини тиловат қилган (Имом Ибн Жарир, Имом Ибн Мунзир, Имом Ибн Абу Ҳотим ривояти).

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху: **“Аллоҳ амрига итоат этиб никоҳланишга! Шунда сизларга У Зот ваъда қилган бойлик мукамал қилиб берилади”,** деб мазкур оятни ўқиган (Имом Ибн Абу Ҳотим ривояти). Ибн Масъуд розияллоху анху: **«Никоҳланиш билан бойлик талаб қилинган. Чунки Аллоҳ: “Агар камбағал бўлишса, Аллоҳ уларни Ўз фазли-карами билан бой – беҳожат қилади”,** демоқда», деган (Имом Ибн Жарир ривояти).

4-бетда

Сийрат

Муборак мажлислари

Ҳазрат Ҳасан дейдилар: “Мен отамдан Бобомизнинг мажлислари ҳақида сўрадим. Отам дедилар: “Жаноб Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ўтириш ва туришлари ҳаммиша Аллоҳ таолонинг зикри билан бўлар эди. Бир лаҳза ҳам Аллоҳнинг ёдидан холи бўлмас эдилар. Қачон бир қавм тўпланган бир мажлисга борсалар, қайси ер бўш бўлса, ўша ерга ўтирар эдилар. Бошқаларни ҳам шундай қилишга буюрар эдилар.

Жаноб ҳамма ҳамнишинларининг ҳаққини адо қилар эдилар. Қулмоқ, сўзлашмоқ, илтифот қилмоқда ҳаммалари баҳра олар эрдилар. Ҳеч бир ҳамнишинлари бошқани Жанобга ўздан муҳтарам деб билмас эди. Балки ҳаммадан муҳтарам ва яқини мендирман, дер эдилар. Ҳар ким Жанобнинг мажлисларида бўлмаса ёки сўзлашиб қолса, Жаноб мажлисда ҳам, сўзда ҳам ундан зиёда сабрлик бўлар эдилар. То у зот ўзи туриб кетмаса, Жаноб турмас эдилар. Ҳар ким Жанобдан бир ҳожат тиласа, ё ўша тилаганини олиб кетар эди, ёки бирор ширин сўзларини ва узрларини эшитиб кетар эди. Хулқлари ва яхши мижозлари ҳар қандай инсонни сиғдира олар эди. Ҳаммага баробар ота эдилар. Ҳузурларида ҳамма ҳақ бора-сида баробар эди. Мажлислари ҳаммиша ҳилм, ҳаё, омонат ва сабр мажлиси бўлар эди.

Мажлисларида овозлар баланд кўтарилмас ва ҳурматлар поймол этилмас эди. У ерда бўлиб ўтган хатолар ташқарига тарқатилмас эди. Мажлисдагилар ҳаммалари тенг – баробар бўлар эдилар. Балки тақвоси борлар афзал ҳисобланар эди. Ҳаммалари тавозулик – ўзини паст тутувчи, хоксор бўлар эдилар. У мажлисда катталарга ҳурмат ва кичикларга раҳму шафқат қилинар эди. Ҳожати бор одамни ўзларидан ҳақлироқ билиб, Жанобга яқин қўйишар эди. Мусофир, ғариб келиб қолса, ҳурматлаб, ҳаққини адо қилар эдилар. Ўз ғарибнавозликларини исбот этар эдилар”.

Изоҳ: Жаноб Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам – Аллоҳга маҳбуб яхши хулқларнинг ҳаммаси учун мужас-сам тимсол эдилар. Тамоми камолот билан зийнатланган эдилар. Аллоҳ таоло ҳаммамизга ҳар бир хулқда Жанобга эргашиш давлатини насиб этсин. Омин!

“Шамоили Муҳаммадия” асаридан.
Таржима ва изоҳлар муаллифи
Мирзо Кенжабек

✓ 19 ноябрь. Муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти талабалари билан очиқ мулоқот ўтказди.

✓ 22 ноябрь. Муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги “Абдуллоҳ ибн Ҳузофа” жоме масжидида мавъиза қилди.

✓ 26 ноябрь. Бекобод туманидаги “Янгиобод” жоме масжиди янги биносига илк ғишт қўйилди. ✓ 26 ноябрь. Тошкент ислом институти “Қуръон илмлари” кафедраси

мудир Жаҳонгир қори Неъматов ва Ал-Азҳар шайхи Иброҳим Муҳаммад кафедра ўқитувчиси Абдулбосит қори Қобуловга ижоза шаҳодатномасини беришди.

«Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга тақво қилинглр ва содиқлар ила бирга бўлинглр» (Таъба сураси, 119-оят).

Аллоҳ таоло ушбу оятда мўминларга икки нарсани буюрмоқда: тақво ва содиқларга қўшилиш. Бу буйруқ вожибликни, яъни мўминларга тақво қилиш ва содиқларга қўшилиш лозим эканини англади. Бу эса, ўз-ўзидан буюрилаган нарсаларнинг ҳам мавжуд бўлишини вожиб қилади. Яъни, тақво қилиш учун талаб этиладиган шарт-шароитлар, имкониятлар ҳар қандай ерда, ҳар қандай замонда мавжуд бўлиши керак.

Тақводорлик ва садоқат

Худди шундай, содиқлар билан бирга бўлиш учун содиқлар ҳам топилиши керак. Чунки Аллоҳ таоло бандаларига уларнинг тоқати етмайдиган, уддалай олмайдиган ва мавжуд бўлмаган ишларни юклашдан покдир. Модомики, тақвога буюрибдими, демак, ҳар бир мўминда тақво қилиши учун ўзига яраша ақл-идрок, фаҳм-фаросат, куч-қувват, сабр-тоқат топилади. Содиқлар билан бирга бўлишни буюрибдими, демак, шу амрини юзага чиқариши учун мўминлар орасида ана шундай кишиларни ҳам яратиш кўради. Шунга кўра, «Бизнинг замонда тақво қилишнинг имкони йўқ», «Жамиятимизда

бунинг иложи йўқ» ёки «Замонамизда ё жамиятимизда содиқлар топилмайди», деган гаплар баҳонадан бошқа нарсас эмас.

Модомики, мўминлар орасида содиқлар топилар экан, бу умматнинг ботил устида жамланиши, яъни иттифоқ қилиши мумкин эмас. Шундай экан, улар иттифоқ қилган иш ҳақ экани ойдинлашади.

Ояти карима сидқ – содиқликнинг фазли ва даражаси улўлигига ҳам далолат қилади. Бунинг қўллаб-қувватладиган далиллар кўп.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва

саллам: «Сизлар ростгўйликни маҳкам тутинглр. Чунки ростгўйлик яхшиликка, яхшилик эса жаннатга етаклайди. Киши доим рост гапириб, ростгўйликда бардавом бўлса, Аллоҳнинг ҳузурида «сиддиқ (ростгўй)» деб ёзиб қўйилади. Ёлгондан ҳазир бўлинглр. Чунки ёлгон фужурга, фужур эса дўзахга олиб боради. Киши доим ёлгон гапирса, ёлгончиликда бардавом бўлса, Аллоҳнинг ҳузурида «каззоб (ёлгончи)» деб ёзиб қўйилади», дедилар (Имом Муслим ривояти).

«Тафсири Розий» асосида
«Кўкалдош» мадрасаси мударрисси
Авазбек ЖУМАБОВ тайёрлади.

Илм масканларида

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти 2-босқич талабалари ўртасида «Имом Доримийга муносиб ворис бўлайлик!» шиори остида мусобақа ўтказилди.

Қуръони карим тиловати ва хайрли дуолардан сўнг институт илмий ишлар ва фан бўйича проrektори Соатмурод Примов буюк аждодимиз Имом Доримий илмий меросини ўрганишнинг аҳамияти, асарларини тадқиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапирди.

Талабалар «Доримийнинг ҳофиз шогирдлари», «Доримийнинг фақиҳ шогирдлари» ва «Доримийнинг муснид (санадини боғловчи)

Имом Доримий шогирдлари



шогирдлари» номли жамоаларга бўлиниб, учта шарт бўйича бахслашишди.

Якунда, 1-ўринга «Доримийнинг муснид шогирдлари», 2-ўринга «Доримийнинг фақиҳ шогирдлари», 3-ўринга «Доримийнинг ҳофиз шогирдлари» муносиб кўрилиб,



уларга қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди.

Мусобақа давомида томошабинлар ўртасида Имом Доримийнинг ҳаёти ва илмий меросига оид қисқа савол-жавоблар ўтказилиб, зийрак билимдонлар ҳам эсдалик совғаларига эга бўлишди.



Шунингдек, Имом Доримийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда Сийрат фани бўйича мақолалар танлови ғолиблари ҳам тақдирланди.

Тўлқин АЗИМОВ,
Тошкент ислом институти матбуот
котиби

Идора ҳаёти

«Йил имоми – 2024» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Нуфузли мусобақа иштирокчилари Қуръони карим қироати ва тафсири, ақида, фикҳ, Ислом тарихи, ҳадис илмлари, алломалар ижодига оид саволларга жавоб бердилар. Шунингдек, меҳнат фаолиятлари давомида амалга оширган салмоқли ишлари ва ОАВларидаги чиқишларини намойиш этишди.

Танлов натижаларига кўра:

1-ўрин – Наманган вилояти «Ҳомиддин қори» жоме масжиди имом-хатиби Муҳаммад Бобир домла Насриддиновга I даражали диплом ва ҳаж сафари йўлланмаси;

2-ўрин – Тошкент шаҳридаги «Фирдавс» жоме масжиди имом-хатиби Бахтиёр домла Сатторовга II даражали диплом ва 16 млн сўм пул мукофоти;

3-ўрин – Тошкент вилояти «Чанок» жоме масжиди имом-хатиби



Ёқуб домла Бухарбаевга III даражали диплом ва 13 млн сўм пул мукофоти насиб этди.

Қорақалпоғистон Республикаси «Мулла Исҳоқ» жоме масжиди имом-хатиби Алтинбек домла Зинуллаев ва Хоразм вилояти

«Мирҳошим бобо» жоме масжиди имом-хатиби Оллаберган домла Ғойипов «Йилнинг энг фидойи имоми» деб тан олинди.

Мусобақа якунида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин

Холиқназар ҳазратлари иштирокчиларга эзгу тилаклар билдириб, хайрли дуолар қилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Матбуот хизмати

Беззорлик, хатоларга кўз юмиш мўминнинг ҳимматидир

Абу Ҳурайра розияллоху анху Ра-сулulloх соллаллоху алайҳи ва сал-ламдан ривоят қилиб айтади: **“Ким Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин. Аёллар ҳақидаги васият(им)ни қабул қилинг. Зеро, улар қовурғадан яратилган. Албатта, қовурғанинг энг эгри жойи юқори қисмидир. Тўғри-лашга уринсангиз, уни синдирасиз, ўз ҳолига ташлаб қўйсангиз, эгрилиги-ча қолаверади. Шундай экан, аёлларга яхши муносабатда бўлинглар”** (Муттафақун алайҳ).

Имом Муслимнинг ривоятида: **“Албатта, аёл киши қовурғадан яратилган. У ҳеч қачон тўғри бўлмайди. Эгрилигича фойдалансангиз, фойдаланиб қолдингиз. Агар уни тўғри-лашга уринсангиз, синдирасиз. Уни синдиришингиз, талоқ қилишингиздир”**, дейилган.

Ушбу ҳадисда ижтимоий ҳаётнинг икки муҳим жиҳати зикр қилинмоқда. Биринчиси, қўшнисига озор бермаслик. Бу ерда қўшнисига озор бермаслик иймон масаласи билан боғланмоқда. Яъни, Аллоҳга ва охиратга иймони бор одам қўшнисига озор бермайди. Ўз-ўзидан қўшнисига озор берувчи одамнинг иймони комил эмас деган маъно келиб чиқади.

Нега энди қўшнисига яхшилик қилиш эмас, озор бермаслик зикр қилинмоқда? Чунки бу нарса ҳамма-нинг кўлидан келади. Агар шуни ҳам қилолмаса, демак, унинг иймонида нуқсон бор. Зеро, озордан тийилиш иймон тақозосидир. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Қўшнисини оч эканини била туриб, тўқ ҳолида ухлаган киши менга иймон келтирмабди”**, деганлар.

Бошқа ҳадисда: **“Қўшнисига овқатдан сузмай туриб, таом ҳиди билан озор берманглар”**, дейилган. Ҳатто таомимизнинг ҳиди оч қўшни учун озор ҳисобланса, бошқа азиятларимиз ҳақида нима дейиш мумкин?!

Шундай экан, Набий алайҳиссаломнинг кўрсатмаларига мувофиқ,

қўшниларимиз ҳолидан хабардор бўлишимиз, ташвишларини ари-тишимиз, аҳил-иноқ ҳаёт кечиришимиз, ҳеч бўлмаса, озор бермаслигимиз керак. Агар ҳар бири-миз шундай қилсак, маҳалламиз, шаҳар-қишлоқларимиз – бутун бошли жамиятимиз хайр-баракага, офият ва фаровонликка тўлади, иншоаллоҳ.

Иккинчиси, аёлларга яхшилик қилиш. **“Аёллар ҳақидаги васият(им)ни қабул қилинг”**. Расули акрам оталар, ака-укалар ва эрларни аёлларга нисбатан яхши муносабатда бўлишга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини адо қилишга ҳамда зулм қилмасликка чақирмоқдалар. Чунки аёллар эр-каклар кўл остида, ҳимоясидадирлар. Аёллар отанинг меҳрибонлиги, ака-укаларнинг илиқ муносабати ва эрнинг ғамхўрлиги ва муҳаббатига муҳтож бўлишади. Улардан баъзи хато-камчиликлар содир бўлса, уларга нисбатан ўзларидек эмас, балки ундан яхшироқ муносабатда бўлиш керак.

“...Зеро, улар қовурғадан яратилган”. Бу Ҳавво онамизнинг Одам алайҳиссаломнинг чап қовурғасидан яратилганига ишорадир. Яъни, аёл эркакнинг бир қисмидан яратилгани учун доим эркак аёлга эҳти-ёж сезади, талпинади. Усиз ҳаётида ҳаловат бўлмайди.

Шунингдек, эгрилик – қовурғанинг хусусияти. У ана шу эгрилик билан ўз вазифасини тўлиқ бажаради. Қовурғанинг эгрилиги айб-нуқсон ҳисобланмаганидек, аёл табиатидаги, феъл-атворидаги баъзи эгриликлар ҳам айб-нуқсон эмас. Балки аёллик табиати, хусусиятидир. Аллоҳ таоло ҳар икки тоифани бир-бир-ларида топилмайдиган хусусиятлар билан яратган. Ана шу ўзига хос жиҳатлар билан бир-бирини тўлдириб туради.

“Албатта, қовурғанинг энг эгри жойи юқори қисмидир”. Бу билан аёл жисмининг энг юқори қисми – боши ирода қилинган. Чунки унда ақл ва

тил жойлашган. Аёл ақлидаги эгри-лик – қусур ҳиссиётдан қуйи тури-шидадир. Бинобарин, аёл воқелик-ка, масалага кўпинча ҳиссиёт билан ёндашади, ақл билан эмас. Шунинг-дек, тилига ҳам кўпинча эрк бериб юборади... Шундай экан, аёлдан содир бўладиган баъзи бир камчи-ликларни табиий қабул қилиш, афв этиш керак. Ана шунда улар билан муро-са қилиш, тил топишиш, тинч-осуда ҳаёт кечириш осон бўлади.

“У ҳеч қачон тўғри бўлмайди”. Худди қовурға тўғри бўлмагани-дек, аёл табиати ҳам ўзгармайди: ўйламай ёки ҳиссиётга берилиб гапириб юбориш, бирор ишга кўл уриш каби ҳолатлари сақланиб қо-лаверади. Қачон тугайди деб хуноб бўлманг. **“Эгрилигича фойдалансангиз, фойдаланиб қолдингиз”**. Лекин бу нима қилсам ҳам, нима десам ҳам эътироз билдирмаслик керак, дегани эмас. Зарур ўринда эр аё-лини тартибга чақириши, насиҳат қилиши лозим. Фақат бу ишларни вазминлик ва ҳикмат билан амалга ошириши, ётиғи билан тушунтири-ши керак. Бу ерда назарда тутилаёт-ган нарса кескин чоралар кўришга шошилмасликдир.

Оилавий ҳаётда аёлларга нисба-тан раҳм-шафқатли бўлиш ниҳоят-да муҳим. Зеро, оиладаги саодат эр-нинг аёлидаги камчиликларга кўз юмиши билан камолга етади.

“Уни тўғирлашга уринсангиз, синди-расиз. Уни синдиришингиз, талоқ қилишингиздир. Шундай экан, аёллар-га яхши муносабатда бўлинглар”. Эр аёли табиатидаги баъзи камчилик-ларни тўғри тушуниб, қабул қилол-мас экан, у билан узоқ яшай олмай-ди. Оилавий ҳаёт бахтсизлик ва па-рокандаликка юз тутаяди. Оқил киши мана шу ҳақиқатларни яхши англа-ши лозим.

Тошкент ислом институти
“Ҳадис ва ислом тарихи фанлари”
кафедраси мудири
Хурмуҳаммад НУРБОЕВ

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Менинг Рама-зон ойи рўзасидан қарзим бор. Нафл рўза тутсам бўладими ёки олдин қарз рўзамни тути-шим керакми?

ЖАВОБ: Рамазон рўза-сидан қазоси бор кишининг нафл рўза тутиши ҳақида Алоуддин Косоний «Бадоеъус саное»да бундай дей-ди: “Рамазон рўзасидан қа-зоси бўлган киши нафл рўза тутиши макруҳ эмас”.

Мазкур китобнинг бош-қа бир ўрнида бундай де-йилган: “Қазони ўтаб бе-риш ҳақидаги буйруқ му-айян вақтда вожиб бўлмай-ди, балки мутлақ вақт (яъни, банда имкон топган)да во-жиб бўлади”. Шунга бино-ан, Рамазон рўзасидан қар-зи бор киши қазосини тут-май туриб ҳам, нафл рўза ту-тиши мумкин.

САВОЛ: Айримлар намоз-га кулоқ қоққандан кейин қўл-ларини боғласа, яна кимлар-дир қўлларини пастга туши-риб кейин боғлайди. Қай бири тўғри?

ЖАВОБ: Намозхон так-бир айтиб кулоқ қоққандан кейин қўлларини пастга ту-ширмайди, балки такбир-ни айтгандан кейин дарҳол боғлайди. Фуқоҳоларимиз-нинг жавоблари шундай бўлган. “Камолуд дироъ” китобида бундай дейилган: “Заҳирия”да такбири таҳри-мадан кейин қўлларини ту-ширмайди, балки такбир-дан бўшаши биланоқ қўлла-рини боғлайди. Бу имом Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф раҳи-махумаллоҳ наздидадир”. “Намозга киришиш учун такбир айтганда бармоқла-рини рукудаги каби бутун-лай очмайди. Такбирдан кейин қўлларини пастга ту-ширмайди, балки ўнг қўли-ни чап қўли устига, чап қў-лини эса киндик остига қўя-ди” (“Фатовойи Сирожия”).

Шуни билиш керакки, бу қайси ҳолат афзаллигини ўргатувчи масаладир. Ким-дир қўлларини тушириб, ке-йин боғлаган бўлса, намози бузилган дейилмайди, бал-ки афзал ишни тарқ қилган бўлади.

5-бетда

Ривоят

Аллоҳ таоло пайғамбарларидан бирига ваҳий келтирди:

— Мен фалончига умрининг яр-мини фақирликда, қолган ярмини бойликда ўтказишни тақдир қил-дим. Ундан сўра: умрининг аввали-да бойлик келишини истайдими ёки охирида?

Пайғамбар ҳалиги одамни чақи-риб, бор гапни айтди. У киши: “Хо-тиним билан маслаҳат қилиб сиз-га жавобини айтаман”, деди. Эр-хо-тин маслаҳатлашиб, умрларининг

аввалида бойлик келишини танлаш-ди. Аллоҳ уларга ризқ эшиклари-ни очиб юборди. Бой бўлиб кетиш-ди. Эр-хотин ўзларига қанча инфоқ қилишса, фақир-мискинларга ҳам шунча эҳсон қилишар эди.

Муддатнинг ярми ўтса ҳам бой-лик келиши тўхтамас эди. Шунда Пайғамбар Аллоҳ таолодан сўради: — Нега муддат тугаган бўлса-да,

уларга бойлик ато қилишни тўхтат-маяпсан, эй Раббим?

Аллоҳ таоло ваҳий қилди:

— Улар шукр қилувчилар экан. Шукр қилувчиларга зиёда қилина-ди. Шунинг учун уларга умрининг охиригача бойлик беришни тақдир этдим.

“Рухул баён” китобидан

Шукр қилувчи

Аллоҳ таоло Қуръони каримда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бутун башариятга элчи қилиб юборилишининг қатор сабабларидан бири сифатида тоза, пок нарсаларнинг ҳалоллиги ва нопок, зарарли нарсаларнинг ҳаромлигини умматларига билдириш эканини баён этади: «У (пайғамбар) уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади» (Аъроф сураси, 157-оят).

Динимизда ҳалол қилиб берилган нарса пок ҳисобланади. Покиза ризқ топиш учун ҳаракат қилиш эса ибодат даражасига кўтарилган. Агар бунинг акси бўлса, ўша нарса ҳаром ва уни истеъмол қилган кишилар гуноҳкор бўлади.

Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар қандай маст қилувчи, бадани бўшаштирувчи ва сусайтирувчи нарсаларни истеъмол қилишдан қайтардилар» (Имом Абу Довуд ривояти). Бу ҳадис билан истеъмол қилганда танани бўшаштирувчи ва ақлни кетказувчи ҳар қандай нарса ҳаром ҳисобланади. Унда зикр қилинган бўшаштирувчилик сифати гиёҳванд моддаларнинг васфидир. Ибн Умар розияллоҳу

анхумодан ривоят қилинган ҳадисда эса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир ва ҳар қандай маст қилувчи ҳаромдир**» деганлар (Имом Муслим ривояти).

Гиёҳвандлик кишини секин-секин (гоҳида эса тезда) ўлимга олиб келади. Бу нарсаларни истеъмол этиш билан киши ўз жонига қасд қилган бўлади. Бу эса гуноҳи кабирадир.

Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон бўлгани учун ҳам уларга зарарли саналган нарсаларни ман қилган. Банда ушбу чегарани бузса ҳамда ман қилинган нарсалардан сақланмаса, ўзига ва бошқаларга зарар еткази. Бу эса Исомга зид амалдир. Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Зарар бериш ҳам, зарар кўриш ҳам йўқдир**», деганлар (Имом Ибн Можа ривояти).

Гиёҳвандликнинг зарарлари эса беҳисобдир. Бу иллат инсон жисмини абгор қилиш билан бирга, мол-мулкига ҳам мислсиз зарар еткази. Тинч-тотув оилаларни

бузиб, болаларни етим қилади, қашшоқлик, муҳтожликда яшашга мажбур этади. Гиёҳванднинг ўзини эса охир-оқибатда касаллик, қамоқхона ёки ўлимга дучор этади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «**Ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз!**» (Бақара сураси, 195-оят).

Энг ачинарлиси, бу иллатга гирифтор бўлган кимсалар гиёҳванд моддаларни сотиб олишдан маблағини аяшмайди. Бор молу дунёсини, машинасини, уйини, ҳатто кийимини ҳам сотиб юбориш даражасига етади. Исрофгарчиликнинг бундан ёмонроқ кўриниши бўлмаса керак.

Аллоҳ таоло бундай дейди: «**Шубҳасиз, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса Парвардигорига ўта ношукр эди**» (Исро сураси, 27-оят).

Ушбу оятга кўра, маблағларини ноўрин жойларга сарфлаётганларни шайтоннинг биродари дейиш мумкин. Чунки уларга шайтондан бошқа ҳеч ким дўст бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу масалада барчамиз ўта хушёр бўлмоғимиз лозим.

Абу Саид Худрий розияллоҳу

анҳудан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Сизлардан ким ёмон, мункаришни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин. Агар унга қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин, тили билан ҳам монелик қила олмаса, унда қалби билан қайтарсин. Мана шу иймоннинг заифлигидир**», деганлар (Имом Муслим ривояти).

Демак, ушбу ҳадиси шарифга биноан, гиёҳвандликка қарши курашиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Ўзи, оиласи, яқинларини, бутун инсониятни ва келажак авлодларни ўйлаган ҳар бир киши бу ишда фаол бўлиши зарур. Ушбу жирканч йўл билан тез бой бўлиб қолишни истаган, қанчадан-қанча кишиларни умрига зомин бўлаётган кимсаларнинг қилмишига бефарқ қараб туриш мумкин эмас. Гиёҳвандлик офатидан ҳалқимизни ва келажак авлодни ҳалос этиш, ёшларни маънавий баркамоллик сари йўналтиришдек хайрли ишларимизда Аллоҳ таоло мададкор бўлсин.

Усмонали ОРАЛОВ,
Жиззах вилояти вақилиги
матбуот котиби

Яхшиликка чақириш

1-бетда

Исомда ёшларни тезроқ уйлантиришга, бирон сабаб билан оиласиз қолган эркаклар, аёллар никоҳланишга чақирилади, оила қуриш йўлидаги тўсиқлар бартараф этилади. Шундай бўлса-да, айримлар турли баҳоналарни рўқач қилиб, уйланишни ортга суришади. Мана шундай баҳоналарнинг энг каттаси кўликалталиқ, камбағалликдир. Аммо юқоридаги ояти каримада ушбу вазн никоҳни кечиктиришга асос бўлмаслиги таъкидланмоқда.

Ҳадиси шарифда келтирилган Аллоҳнинг кўмагига сазовор бўлувчи учинчи тоифа: «**Пок юриш ниятидаги никоҳланувчи**». Одатда,

Динимизни ўрганамиз

1-бетда

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «**Бас, намоз тугагандан сўнг Ер юзи бўйлаб тарқалинг ва Аллоҳнинг фазлидан талаб қилинг ҳамда Аллоҳни кўп зикр қилинг. Шоядки, зафар топсангиз**» (Жумъа сураси, 10-оят). Аллоҳ таоло бу оятда бандаларини Ер юзида ҳалол ризқ талаб қилиб, Ўзини кўп зикр қилиб, зафар топишга ундамоқда.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

Никоҳ – файз-барака омили

янги оила курганларнинг иқтисодий ҳолати унчалик яхши бўлмайди. Улар муайян босқичга етгунча анча машаққат чекишларига тўғри келади. Шунинг учун кўп йигитлар уйланишни ортга сувереди. Аммо мазкур ҳадисда айтилишича, Аллоҳ зинодан, фахш ишлардан сақланиш мақсадида уйланадиган бандаларини қўллаиди. Яъни, бу ерда ният муҳим. Демак, ким ҳаром ишлардан четланишни ният қилиб, Аллоҳ амрига бўйсуниб мақсадида оила қурса, Аллоҳ унга ёрдам беради, уни Ўз фазли билан бой қилиб қўяди.

Ойша розияллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: «**Аёлларни**

никоҳлаб олинглар! Зеро, улар сизга бойлик билан келишади» (Имом Ҳоким ривояти). Бу ривоятда мусулмон эркакларга: «Мўмина-муслима аёлларни никоҳлаб олинг. Чунки улар оилангизга ризқ-насибалари билан келади, файз-баракага сабаб бўлади», деб хитоб қилинмоқда.

Ибн Ажлондан ривоят қилинишича, бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келиб, камбағалликдан шикоят қилганида у зот: «**Сен оила қур**», деб маслаҳат берганлар (Имом Саълабий ривояти).

Уйланган кишининг ризқи кенгайишига маълум сабаблар бор. Биринчидан, оила бошлиғига

айланган киши ҳаётга бошқача нигоҳ билан қарайди, ўз вазифасига жиддий эътибор қаратади. Чунки у энди оиласини зарур нарсалар билан таъминлаши, зиммасидаги эркаклик бурчини бажариши лозим. Иккинчидан, муслима аёл бирон хонадонга келин бўлиб тушса, у ерга ўз ризқи билан келади. Агар солиҳа, ибодатли бўлса, ўша хонадонга файз-барака кирилади. Йиллар ўтиб фарзандлари сони ортса, ризқлари янаям кўпаяди, баракали бўлади. Бу нарса ҳаётда ўз исботини топган.

Баҳриддин МИРЗОЕВ,
Сариосиё тумани «Эшонқулжонбобой»
жоме масжиди имом-хатиби

Аллоҳ йўлидаги эҳсоннинг мисоли

Набий алайҳиссалом: «**Ҳалол касб қилиш фарздан кейинги фарздир**», дедилар (Имом Байҳақий ривояти).

«**Ва бирингизга ўлим келиб: “Эй Раббим, агар менинг ўлимимни яқин муддатга орқага сурсанг, бас, садақа қилиб солихлардан бўлсам”, демасдан аввал Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан нафақа қилинг**» (Мунофиқун сураси, 10-оят).

Муфассирлар мазкур оят тафсирида: «Нима учун инсон ўлим келганда Аллоҳдан имкон сўраб, “намоз ўқиб олай, рўза тутиб олай” демаяпти? Чунки у эҳсон қилган бандага охиратда бериладиган ажр-мукофотни кўргани учун “эҳсон қилиб олай ва солихлардан бўлай” деб орзу қилмоқда», дейишган.

Демак, ҳар бир амалимизни

чин ихлос, самимий қалб билан, Аллоҳ кўриб турганини ҳис қилиб бажарсак, ҳақиқий эҳсон (ибодат) қилган бўламиз. Натижада барча ишларимизда барака бўлади.

Абдулвоҳид ҚОБИЛХОН ўғли,
Наманган шаҳридаги
«Мирёқуббой-Мирҳакимбой»
жоме масжиди имом-хатиби.

Улар бошимизнинг тожидир

(Учинчи мақола)

Саҳобаи киромни мадҳ этиш, уларга раҳмат ва мағфират тилаш, хурмат билан тилга олиш, муҳаббатли бўлиш — вожиб (Имом Куртубий, “ал-Жомеъ ли аҳкамил Қуръан”).

Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай таълим берган: «**Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: “Эй Раббимиз! Ўзинг бизларни ва биздан илгари иймон билан ўтганларни мағфират этгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотларга нисбатан гина пайдо қилмагин! Эй Раббимиз! Албатта, Сен меҳрибон ва раҳмли Зотдирсан!”**» (Ҳашр сураси, 10-оят).

Имом Таҳовий “Ақидатут Таҳовия” асарида саҳобага муҳаббат қилишни аҳли сунна этиқодининг асосларидан бири сифатида таъкидлаган.

Ибн Ҳажар Асқалоний айтди: “Уламолар яқдил бўлган масалалардан бири шуки, саҳобалар ҳақида ноўрин гап айтиш ҳаром ва катта гуноҳдир” (“Фатҳул борий”).

Абу Саид Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Саҳобаларимни сўкманлар! Агар сизлардан бирингиз Ухуд тоғидек**

олтин садақа қилса ҳам улардан бирининг бир муддига (≈0,544 килограмм, яъни бир ҳовучга тенг) **ҳам, унинг ярмига ҳам етмайди**”, дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоху анху Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламнинг: “**Асҳобим ҳақида Аллоҳдан қўрқинг! Мендан кейин уларни нишонга айлантирманг. Ким уларни севган бўлса, менга бўлган муҳаббати туфайли севгандир. Ким улардан нафратланса, менга бўлган нафрати сабабли нафратлангандир. Ким уларга азият берган бўлса, менга азият берибди. Кимки менга азият берса, Аллоҳга азият берган бўлади. Ким Аллоҳга азият берса (ғазаблантурса), тез орада уни (азоб билан) тутади**”, деганларини ривоят қилган (Имом Термизий, Имом Аҳмад ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху ривоят қилган ҳадисда бундай дейилган: “**Асҳобимни сўкманг...**” (Имом Табароний ривояти).

Ойша онамиз Набий алайҳиссаломнинг: “**Асҳобимни сўкканни Аллоҳ лаънатласин**”, деганларини

ривоят қилган (Имом Табароний ривояти).

Ойша онамиз розияллоху анҳояна: “Инсонлар Аллоҳ Расулининг асҳоблари учун истиғфор айтишига буюрилди. Аммо улар (буткул аксини қилиб) улар ҳақида бўлмағур гапларни гапирмоқдалар”, деган (Имом Ҳоким ривояти).

Ибн Аббос розияллоху анҳумо: “Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг асҳобиға тил теккизманг! Аллоҳга қасамки, уларнинг Пайғамбар алайҳиссалом ёнида бир лаҳза бўлгани сизнинг қирқ йиллик амалларингиздан афзалдир”, деб огоҳлантирган (Имом Аҳмад ривояти).

Ҳадиси шарифлардан, улуғларимизнинг ҳикматларидан аён бўлмоқдаки, саҳобалар масаласида эҳтиёткор бўлиш, уларнинг порлоқ хотираларига хурмат бажо келтириш — Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламнинг таълимотларига амал қилиш, у зотнинг сафдошлари бўлган муборак сиймоларнинг хотирасини эъзозлашдир. Бу эса ҳаммадан кўра ўзимизга манфаатли бўлади, иншоаллоҳ.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

Динимизни ўрганамиз

Дуо ибодатнинг мағзидир

Дуо Аллоҳ ва банда орасидаги муносабат, алоқадир. Бунда инсон Яратувчиси, Ризқлантирувчисиға ҳолини баён қилиб, ожиз ва хатокор эканини эътироф этади. Аллоҳдан мағфират сўраш баробарида ёрдам ҳам истайди. Бу ҳол банданинг Аллоҳга боғланиши, ундан ҳожатларини сўрашидир. Зеро, ҳар жабҳада Аллоҳ таолога муҳтож, ожиз ва нотавон бўлган кулнинг вазифаси ҳам Раббига дуо қилишдир. Ичдан, самимий қилинган дуони эса Аллоҳ қабул қилиши умид қилинади.

«**Парвардигорингиз: “Менга дуо қилингиз, Мен сизлар учун (дуоларингизни) ижобат қилай!” — деди. Албатта, Менга ибодат қилишдан кибр қилган кимсалар яқинда тубан ҳолатда жаҳаннамга кирурлар**» (Ғофир сураси 60-оят).

«**Агар дуоларингиз бўлмаганида, Парвардигорим сизларга парво қилмас эди**» (Фурқон сураси 77-оят).

Дуо ибодатларнинг мағзидир. Ҳаётни қамраган ибодат саналмиш дуонинг асосий васфи таъвозедир. Кибрдан халос бўлган инсонгина дуо қилишга йўналади. Аллоҳга тақдим этилганда амал

қиладиган сармоядир дуо. Чунки Яратганнинг назиди на мол-мулк, на башарий нарсаларнинг аҳамияти йўқ. Бизни Аллоҳ ҳузурида қадрли қиладиган воситадир у.

Дуо — яратилишимиз замири бўлган ибодатнинг муҳим унсурларидан. “**Жин ва инсонларни ёлғиз менга ибодат қилишлари учун яратдим**”, дея мавжудлигимиз ғоясини баён қилган Раббимиз соғлом ақл эгалари учун энг тўғри нишонни, манзилни кўрсатиб қўйгандир.

Дуо фақатгина эҳтиёжларни баён қилиш эмас, балки инсоннинг маънавий сезгилари, илоҳий неъматлар мўъжизаларидан ҳайратланиб, кўрган, ҳис қилган нарсаларини эътироф этиши, тилга олиши ҳамдир.

Дуо банданинг ўз ожизлигини идрок этиб, Яратувчига сиғинишидир. Фақат қийин вазият ё машаққатга дуч келганда эмас, умри мобайнида иртиботини узмаслигидир. Яъни, дуо Аллоҳни доимий зикр қилишдир. Аллоҳдан бир лаҳза ҳам ғофил қолмаслиқдир.

Дуо икки сўз билан тугал бўладиган, сўзнинг қолипига сиғадиган кичик ва аҳамиятсиз нарса эмас. Дуо бизнинг ҳаётимиз

орқали яшаши лозим. Дуо бўлмаса, Аллоҳнинг ризоси ва жаннатига қандай эришамиз?!

Аллоҳим! Дунё ва охирада Сендан афв, офият тилаймиз. Динимиз, дунёмиз, оиламиз, жонимиз, молимизга хайр сўраймиз. Хатоларимизни кечириб, олдимиздан, ортимиздан, ўнгимиздан, сўлимиздан, устимиздан Ўзинг ҳимоячи бўл! Аллоҳим! Сендан фойдали илм, ҳалол ризқ ва мақбул амал сўраймиз. Дуоларимизни қабул айла. Омин.

Охунжон ГУЛАҲМЕДОВ,
Сариосиё тумани “Абдураҳмон ҳожи
ота” жоме масжиди имом-хатиби



3-бетда

САВОЛ: Ҳажарул асвад рўпарасида қўл қай шаклда кўтарилади. Ҳамма ҳар хил кўтаради. Аслида қандай бўлиши керак?

ЖАВОБ: Таовфни бошлашда Ҳажарул асвадни истилом қилиш (ўпиш ё силаш) суннат ҳисобланади. Истилом агар ҳеч кимга ва ўзига ҳам азият бермайдиган бўлса, Ҳажарул асвадни ўпиш билан бўлади. Бунинг имкони бўлмаса, қўли билан ушлайди ва қўлини ўпади. Бунга ҳам имкон бўлмаса, ҳассага ўхшаш бирор нарсани Ҳажарул асвадга теккизиб, ўшани ўпади. Агар унинг ҳам иложи бўлмаса, узоқдан туриб, икки қўлини худди намозга такбир айтиб қўл кўтараётгандек кўтариб, басмала, такбир (Аллоҳу акбар), таҳлил (Ла илаҳа иллаллоҳ), ҳамд (алҳамдулиллаҳ) ва Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга салавот айтди, кейин икки кафтини ўпади.

“Иршодус сорий” китобида истиломнинг сифати тўлиқ келтирилиб, узоқдан истилом қилиш куйидагича тушунтирилган: «Ҳажарул асвадга юзланиб, “Аллоҳу акбар” дейиш вақтида икки қўлини намоздагидек елкаси ёки қулоқлари баробарида кўтариб, икки кафтини Ҳажарул асвадга қаратади».

САВОЛ: Эҳромдаги киши баданига атир суртса, жиноят бўлишини биламиз. Кийимига тегса ҳам шундай бўладими?

ЖАВОБ: Эҳромдаги шахснинг кийимига хушбўйлик тегиб, шу заҳоти ювиб ёки ишқалаб йўқ қилиб юборса, ҳеч қандай жарима вожиб бўлмайди. Агар хушбўй ҳолатда бир кун турса, жонлиқ сўяди. Бир кунга етмасдан ечган, алмаштирган ёки ювиб ташлаган бўлса, ярим соъ (2 kg атрофида) буғдой ёки унинг пулини садақа қилади. “Иршодус сорий” китобида бундай дейилади: “Агар (эҳромдаги шахснинг) кийимига хушбўйлик тегса ва уни ишқаб ташлаш ёки ювиш орқали йўқ қилса, хушбўйлик кўп бўлса ҳам, бирор жарима вожиб бўлмайди. Агар хушбўйлик кийимида бир кун давомда турса, жонлиқ сўйиш вожиб бўлади. Бир кунга етмаган бўлса, садақа вожиб бўлади”.

Шуни билиш лозимки, бу эҳромга киргандан бошлаб сочини олиб, эҳромдан чиққунича бўлган вақт оралиғига тегишли. Эҳромда бўлмаган вақтларда бадан ва кийимга хушбўйлик суртишнинг зарари йўқ.

6-бетда

Маърифатли имом – маҳалла таянчи

Имом-хатиблар ҳақида, уларнинг халқимизга Ислонинг соф таълимотини етказиш, одамларни яхшиликка чақириш, ёмонликдан қайтариш борасидаги ишлари кўп ҳам ёритилавермайди. Аслида инсонлар Ҳақни ва ҳақиқатни топишларида имом-домлаларнинг хизмати катта.

Шундай домлалардан бири Булунғур туманидаги “Эрганакли” жоме масжиди имом-хатиби Асадулла Аззамовдир. Асадулла ёш бўлишига қарамай, маҳалла аҳли орасида ўзининг маърифий-ахлоқий мавзулардаги мавъизалари орқали диний қадриятларимизни, миллий ўзлигимизни англашга катта ҳисса қўшапти. Домланинг саъй-ҳаракатлари билан,

алҳамдулиллах, ҳудудимиздаги низоли оилалар зудлик билан яраштирилади.

Имомнинг яна бир фазилати шуки, у эҳсон қилишни, одамларга яхшилик улаишни ўзининг кундалик аъмолига айлантирган. Хусусан, ҳомийларни жалб қилган ҳолда бева-бечораларга, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга, жисмоний имконияти чекланган кишиларга ёрдам беришга ошиқади.

Имомлар жума ва иккала ҳайит намозларида, шунингдек, тўй ва маросимларда амри маъруф, наҳйи мункар қиладилар. Асадулла домла шулар қатори диний-маърифий мақолалари билан ҳам муштарийларнинг қалбига йўл топиб келяпти.

Унинг ёшларни ақидаси бузуқ кимсалар таъсиридан асрашда қўл келаётган туркум материаллари газетхонларга манзур бўлмоқда.

“Бизлар ҳамиша шукр қилиб яшаймизми? Кўп ҳолларда, афсуски, ношукрчилик қиляпмиз. Масалан, баъзилар тўкин дастурхон атрофида ўтириб, тишини ковлаганча тирикчилик қийинлашиб кетганидан нолийди. Айрим аёллар эса ўн-ўн беш сидра кийимлари бўла туриб, яна либосларим кам деб шикоят қилишади. Шукр қилиш бизга Одам алайҳиссаломдан мерос. Қачон шукр дейсиз, қачон?” – деб ёзади Асадулла ҳожи “Шукур дейсан, сен қачон?” мақоласида.

Асадулла ҳожи зиёли инсон.



Ҳар куни даврий нашрларни кузатиб боради. “Булунғур ҳаёти” газетаси ва “Ҳидоят” журнаlining фаол тарғиботчиси. Шунинг учун бўлса керак, ҳар йили “Эрганакли” маҳалласи аҳли “Ҳидоят” журнаliga туман бўйича энг кўп обуна бўлади.

 **Ғулом ЎРОЛОВ,**

“Булунғур ҳаёти” газетаси бош муҳаррири

Масала

5-бетда

САВОЛ: Вафот этган киши барча мол-мулкни ука-сингилларига васият қилиб кетган. Лекин унинг хотини ва икки қизи ҳам бор. Шунда шариатга мувофиқ вафот этган кишининг мол-мулки қандай тақсимланади?

ЖАВОБ: Муқаддас динимизда мерос ҳалол-ҳаром масаласи бўлгани учун алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, агар майитнинг ортидан турмуш ўртоғи, икки қизи ва опа-укалари қолган бўлса, мерос қуйидагича тақсимланади: умумий мероснинг 1/8 қисми хотинга, 2/3 қисми қизларга, қолган қисми эса опа-укаларга эркакларга икки, аёлларга бир ҳисса миқдорида тегади.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз лозимки, шариатимизда меросхўрларга васият қилинмайди. Зеро, Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда шундай дейдилар: **“Албатта, Аллоҳ (мерос масаласида) ҳар бир ҳақ эгасига ҳаққини берди ва меросхўрларга васият қилиш йўқ”**. Чунки меросхўрларнинг васиятсиз ҳам меросда ўз улушлари мавжуд.

Демак, юқоридаги ҳолатда васият қилинган шахслар, меросхўрлардан бўлгани учун васият бекор бўлади ва улар, яъни ука-сингиллар меросдаги ўзларининг улушларини олишади, холос.

7-бетда

Маҳалламизнинг тиниб-тинчимас кайвониси

Қибрай тумани Янгийўл қишлоғида “Бувра ота” зиёратгоҳи бор. Бу ерда қорахонийлар ҳукмдори Абдулкарим Сотуқ Буғрохон (895 – 956) қабри бор.


Шўро замонида зиёратгоҳ ва унинг атрофидаги қабристон қаровсиз, ҳатто унинг ёнидаги масжид бузилиб, ҳовли-жой сифатида бўлиб берилади.

Мустақиллигимизнинг илк йилларида Янгийўл маҳалласига Суннатилла Мирмақсуд ўғли оқсоқол этиб сайлангач, қишлоқ фаоллари, кайвонилари билан маслаҳатлашиб, ҳашар йўли билан зиёратгоҳ ва қабристонларни обод қилишади. Қабр устига макбара ўрнатишади.

Бундан ташқари, маҳалладаги ички йўллар, мактаб ва боғчалар таъмирланади, электр устунлари янгисига алмаштирилади, аҳоли уйлари тоза ичимлик суви тортилади, маҳалла идораси эса янгидан қуриб битказилади.

Шу каби бунёдкорлик ишларидан сўнг Абдулкарим Сотуқ Буғрохон зиёратгоҳи яна гавжум бўла бошлади. Маҳалла аҳли турли саналар муносабати билан зиёратгоҳга йиғилиб, ўтганларни хотирлайдилар, Аллоҳ ризолиги йўлида қатор диний маросимлар уюштирадилар.

Албатта, бу каби хайрли ишларда маҳалла раиси Суннатилла Мирмақсуд ўғлининг хизматлари бекиёс. Унинг жонкуярлиги ва



тарғиботи билан одамлар шариатимизга зид турли бидъат-хурфотлардан воз кечишди. Суннатилла Мирмақсуд ўғли маҳалла имоми ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамжиҳатликда одамлар ўртасида динимизнинг асл моҳиятини кенг тарғиб этишга эътибор қаратдилар.

Бугунги кунда мамлакатимизда диний-маърифий соҳада кенг қўлланми ислохотлар олиб борилаётгани, натижада юртдошларимиз умра ва ҳаж зиёратларига эмин-эркин бориб-келаётгани, очиғи, ҳаммамизни хурсанд қилмоқда. Аммо бу борада ҳам баъзи ўйлантирадиган жиҳатлар йўқ эмас эди. Хусусан, зиёратчиларни кутиб олишдаги турли хатти-ҳаракат ва ориқча харажатлар оддий кишиларни қарздор қилиб

қўяётганди. Имом-хатиб ва кайвониларнинг тушунтиришлари билан бу ҳолатларга ҳам чек қўйилди. Бунинг ўрнига ўзига тўқ маҳалладошларимиз кам таъминланган, боқувчисини йўқотганларга кўмак беришга алоҳида эътибор қаратишяпти.

Дарвоқе, Суннатилла ака ижодкор, бир неча рисоалар муаллифидир. Абдулкарим Сотуқ Буғрохон зиёратгоҳи ҳақида туман ва шаҳар нашрларида мақолалар эълон қилиб туради.

Суннатилла ака турмуш ўртоғи Дилобар ая (Аллоҳ раҳматига олсин) билан олти фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Бугун неvara ва чеваралари жам бўлишса, бир ҳовли бўлишади.

Суннатилла Мирмақсуд ўғли маҳалламиз фаоллари Нуриддин домла Абдурасулов, Рустам Тўймуҳаммедов, Анвар Қориев, Абдувосиқ Худайбергенов, Инкор Бобошев ва бошқалар билан тез-тез йиғилишиб, маҳалламиз ободлиги, ёшларимиз таълим-тарбияси, кишиларни китобхонликка ўргатиш каби масалаларда маслаҳатлашиб турадилар.

Суннатилла Мирмақсуд ўғлининг қишлоғимиз равнақи йўлида олиб бораётган ишларига Аллоҳ таолодан мадад сўраб қоламиз.

 **Эсонбой ҳожи ЎРИНОВ,**

“Дўстлик” ордени соҳиби

Хулафои рошидин давридаги

ИЖТИҲОД

Ислом дини Арабистон ярим-оролидан ташқарига — Миср, Шом, Форс, Ироқ диёрларига тарқалгач, мусулмонлар янги-янги воқеа-ҳодисаларга дуч келишди. Бу эса, уларни Аллоҳнинг каломи ва Расулининг суннатидан янги ҳукмлар излашга мажбур қилди. Маълумки, Қуръон ва суннатда воқеаларнинг ҳар бири ҳақида аниқ ҳужжат-далил келтирилмаган. Шу боис Китоб ва суннатдаги умумий қоидаларни ушбу жузъий воқеаларга татбиқ қилиш устида ижтиҳод олиб бориш лозим эди.

Бу даврда фақат воқеликда содир бўлиб турган ҳодисаларгагина ҳукм чиқариш билан чекланилган, воқе бўлмаган масалаларга фатво чиқаришдан сақланилган. Мутааххир уламоларга ўхшаб ҳали воқе бўлиб улгурмаган масалаларни ўйлаб топиб, рўй бериш вақтларини тахминан белгилаб, олдиндан ҳукм ва фатволар чиқариб қўйиш саҳобалар даврида бўлмаган.

Саҳобаларнинг бундай қилмасликларига асосан учта сабаб бор эди:

— улар ҳаёлий масалалар устида бош қотиришни вақтни бефойда сарфлаш, қилинажак муҳим ишларни амалга оширишга халал бериш деб билишган. Улар фатво беришдан, айнқса, нотўғри фатво беришдан

қўрқиб, масалани бир-бирларига оширишган. Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, агар бирор масаланинг фатвоси сўралса, аввал, ўша масала воқеликда содир бўлган-бўлмагани аниқланар эди. Агар содир бўлган бўлса, фатво берилар, содир бўлмаган бўлса, “аввал содир бўлсин, кейин фатво берамиз”, дейиларди. Бу даврда, асосан, кўзга кўринган олим саҳобийлар халифалик ва волийликни бошқариб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатлари, мусулмонларнинг диний ва дунёвий ишлари билан машғул бўлиб, фаразий масалалар устида бош қотиришга вақтлари бўлмаган.

Хулафои рошидиннинг истинбот йўллари Маймун ибн Меҳроннинг ривоятида яққол ифодаланган: “Абу Бакр розияллоҳу анҳу бирор масала устида ҳукм чиқармоқчи бўлса, аввал, Аллоҳнинг Китобига қарар эди. Агар Китобдан топса, ўша бўйича ҳукм қилар, Китобдан топа олмаса, Расулуллоҳнинг суннатларидан излаб, ўша бўйича ҳукм чиқарар эди. Агар суннатдан ҳам топа олмаса, мусулмонларни чақириб, улардан мен фалон, фалон масалага дуч келдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шу масала бўйича бирорта ҳукм чиқарганларини

эшитганмисизлар, деб сўрарди. Гоҳида баъзилар Расулуллоҳнинг бундай масала устида ҳукм чиқарганларини Абу Бакрга айтишар эди. Агар ҳеч ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай масала устида ҳукм чиқарганларини эслай олишмаса, у ҳолда Абу Бакр илмли катта саҳобаларни жамлаб, шу масала юзасидан фикрларини сўрар эдилар. Агар фикрлари бирор ҳукм устида тўхтаса, ўша бўйича ҳукм чиқарар эди. Умар розияллоҳу анҳу ҳам шундай қилган. Агар масала ҳукмини Қуръондан ҳам, суннатдан ҳам топа олмасалар, Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг бу масала устида қандай ҳукм қилганига қарар эди. Агар Абу Бакр бирор ҳукм чиқарган бўлса, шу ҳукмни олар, агар ҳеч қандай ҳукм бўлмаса, у ҳолда олимларни тўплаб, улардан маслаҳат сўрар ва кўпчилик қандай ҳукм чиқарса, шу ҳукмни ижро қилар эди”.

Ушбу ривоятдан кўринадики, хулафои рошидинлар ўз фатволарида асосан тўрт манбага суянишган: Қуръон, суннат, ижмо, раъй. Демак, мана шу тўрт асос ўша асрда шариат манбаи ҳисобланган.

(Давоми бор.)



Ҳомиджон қори

ИШМАТБЕКОВнинг “Ислом фикҳи асослари” китоби асосида тайёрланди.

Кўнгли кенгликлариди

Қиш – мўминнинг баҳори

Аллоҳ таоло ҳар бир фаслни ўз хислати билан яратган. Инчунин, қишни ҳам. Қишда одамлар кўп намоз ўқишга, рўза тутишга мойил бўлади. Қиш қазо намозларини ўқишга ҳам жуда қулай фасл. Ғайратли кишилар эса тунлари таҳажжудга туради. Сокин тун бағрида роҳатланиб таҳорат олади, намоз ўқийди, Қуръон тиловат қилади. Ҳеч ким йўқ. Ҳамма уйқуда, фақат Аллоҳ ва обид мулоқот қилмоқда — обид роз айтмоқда, Рабби тингламоқда.

Аллоҳ бандасига боқади: ширин уйқуни енгиб турди, шу чоқда ундан бир дардни кўтарди; таҳорат олиб танаси енгил тортганда, унга соя солиб келаетган яна бир дардни аритди; намоз ўқиб руҳи енгил тортганда эса ҳаммасини жамлаб уни юрак касаллигидан — инфарктдан фориғ этди; қалбини поклади, кўнгли юмшаб кўзидан оққан ёш қалбидаги қурумларни ювиб

кетди. Жисми ва руҳи тозарган инсонга файз эшиклари очилди. У Қуръони каримни ўқиркан, муқаддас Китобнинг ҳар бир ҳарфи унга мўъжиза бўлиб кўрина бошлайди. Чунки Аллоҳ таолонинг фаришталари бу банд ҳаққида ўша ҳарфлар миқдорида истиффор айтди.

Бинобарин, ҳадиси шарифда айтилганидек, **“Қиш – мўминнинг баҳори. Кундузи қисқа бўлади, (унда) рўза тутати. Тунги узун бўлади, (унда) қоим бўлади”** (Имом Аҳмад, Имом Байҳақий ривояти).

Ўзи нима учун қишда шундай бўлади? Куз, ёз, баҳордагидан кўра, қишда одам тақводорроқ, бошқаларга меҳрибонроқ бўлиб қолади? Ана шу уч фаслда кўришмаган одамлар қиш фаслида йиғилишиб, дилдан суҳбатлар қилади, иймонлашади.

Бунинг сабаби ҳам ҳадиси шарифда чиройли таърифлан-



ган: **“Одам боласининг қалби қишда юмшайди. Шундай. Чунки Аллоҳ толо Одамни тупроқдан яратган. Тупроқ эса қишда юмшайди”** (Суютий, “Муттақий”).



Робия ДАМИН қизи

Масала

6-бетда

САВОЛ: *Пешин намозини ўқишга улгурмаган киши аср вақтида пешиннинг қазосини биринчи ўқийдими ёки аср намозиними?*

ЖАВОБ: “Қазолари олти намоздан кам бўлган киши қазо намозлар билан адо (вақтида ўқиладиган) намозларнинг орасида тартибга риоя қилиши вожиб. Яъни, вақти кирган намозни ўқишдан олдин қазо қилган намозни ўқиши лозим. Агар қазо қилган намозни ўқишдан олдин вақти кирган намозни ўқиса, вақтидаги намози дуруст бўлмайди. Шунингдек, у қазо қилган намозларини ўқишда ҳам тартибга риоя қилиши шарт. Масалан, бомдод, пешин, аср ва шом намозларини қазо қилса, биринчи бомдод, кейин пешин, сўнг аср ва охири шомнинг қазосини ўқийди.

Агар кишининг зиммасида олти ёки ундан ортиқ қазо намозлари бўлса, у тартибга риоя қилиши шарт эмас. У қазо намозини ўқишдан олдин вақти кирган намозни ўқиши мумкин” (*“ал-Мухтасар фил фикҳил ҳанафий”*).

САВОЛ: *Қайси ҳолатларда намозлар орасидаги тартиб соқит бўлади?*

ЖАВОБ: Куйидаги ҳолатларда:

Қазо намозини ўқиса, вақт зиклигидан ўз вақтида ўқиладиган намознинг қазо бўлиб қолиш эҳтимоли бўлганида. Масалан, аср намозининг вақти охирлаб, тўрт ракат намоз ўқишгагина етадиган муддат қолган бўлса, аввал асрни ўқиб, кейин пешиннинг қазосини ўқийди. Акс ҳолда, аср ҳам қазо бўлиши мумкин.

Қазо қилган намози эсида бўлмай, вақти кирган намозни ўқиб қўйса ҳам, тартиб соқит бўлади. Масалан, бомдодни қазо қилиб қўйганини унутиб, пешинни ўз вақтида ўқиганидан сўнг бомдоднинг қазоси ёдига тушса, пешинни қайта ўқимайди. Фақат бомдоднинг қазосини ўқийди.

“Агар киши вақти кирган намознинг қазо бўлиб қолишидан кўрқса, аввал вақти бор намозни ўқиб, кейин қазо бўлган намозни ўқийди. Чунки вақт зиклиги сабабли тартиб соқит бўлади. Шунингдек, зиммадаги қазо намозлари эсдан чиқиши билан ҳам тартиб соқит бўлади” (*“Ҳидоя”*).



Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44

Мазкур масжид Мали Респуббликасининг Женна шаҳрида, Бани дарёси бўйидаги пасттекисликда жойлашган. У дунё бўйича пахсадан қурилган энг йирик бино ҳисобланади. 1988 йилда масжид “Қадимий Женна шаҳри”нинг бир қисми сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Ушбу шаҳар бир неча асрлар давомида Ғарбий Африкадаги савдо маркази ва олтин савдосининг муҳим бўғини бўлган. XV–XVI асрларда Женна бутун Африка бўйлаб Ислом дини тарқалган жойлардан бирига айланган.

Ҳозирги жоменинг қурилиши 1904 йилда бошланиб, 1907 (баъзи манбаларга кўра, 1909) йилда якунланган. Қурилиш ишлари Женна шаҳрининг ғишт терувчилари уюшмаси томонидан олиб борилган. Ўша йилларда Женна Франциянинг Ғарбий

“Женна” жомеи



Африкадаги мустамлакасининг бир қисми бўлган. Масжид девори қурилишига тупроқ, кум ва сув ишлатилган, холос. У уч метр баландликдаги платформада XIII–XIV асрлардан бери мавжуд

бўлган масжиднинг эски биноси ўрнида қурилган. Иншоотнинг ўлчамлари 75x75 метр, минораларнинг баландлиги эса 50 метр. Масжидга электр токи ўтказилганига кўп бўлгани йўқ. Кейинги

йилларда масжиднинг юзасига қосинлар солинган, бу унинг тарихий тузилишини бузган, баъзан эса бинонинг тузилишидаги яхлитлигини хавф остига қўйган. Масжид жамоаси унинг 1990 йилларда замон талабларига мос қайта реконструкция қилинишига қаршилик кўрсатган.

Меъморларнинг фикрича, “Женна” масжиди биносининг қиёфаси исломий меъморчилик таъсирига эга бўлса-да, моҳиятан судан-сахелиан меъморчилиги услубининг энг катта ютуғи саналади. Масжид фақат мусулмонлар учун очик. Кириш жойидаги деворга илиб қўйилган маълумотномаларда бу ҳақда огоҳлантиришлар бор. Малидаги деярли барча масжидларда мазкур қоидага амал қилинади.

Бинафша ЖўРАҚУЛОВА,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети талабаси

Огоҳлик!

Совуқ кунлар бошланиши билан одамлар уйлари иситиш учун турли ёнилғи маҳсулотларидан фойдаланадилар. Афсуски, кўп ҳолларда эҳтиётсизлик туфайли фавқулудда вазиятлар ҳам содир бўлади.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда ўтган йили 46 та ҳолатда ис газидан заҳарланиш ҳамда чақнаш қайд этилган.

Бугунги кунда ҳаво айлантириш тизими яхши ишламайдиган корхоналар, автотураргоҳлар, янги бўялган ва шамоллатилмаган хоналар, печка билан иситиладиган уйлар, ҳаммом ва бошқа жойларда ис газидан заҳарланишлар кўп кузатишмоқда. Энг ачинарлиси, бу вазиятлар одамларнинг ҳаётига раҳна солмоқда.

Хўш, ис газидан сақланиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? **Мутахассислар фикрига кўра, газ ҳиди сезилиши билан газ авария диспетчерлик хизматига хабар бериш, газ кранларини ёпиш, очик оловдан фойдаланмаслик, дарҳол эшик ва деразаларни очиб, хонани шамоллатиш, электр жиҳозларини ёқмаслик ва ўчирмаслик керак.**

Шунингдек, ис газ тарқалган хонадан заҳарланганларни зудлик билан олиб чиқиш керак. Уларни очик ҳаводан нафас олдириш, соғлигига зарар етган бўлса, дарҳол нашатир спиртини ҳидлатиш,

сунъий нафас бериш, танани ишқалаш, иссиқ ичимлик бериш лозим.

Айни кунларда Фавқулудда вазиятлар вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан мавсумни беталафот ўтказиш, куз-қиш мавсумида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин, газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши ҳамда ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, мутахассислар ҳар бир хонадонларга кириб, юртдошларимизга ташқи ҳимоя қобиклари шикастланган электр сим ва кабелларидан фойдаланмаслик, электр токи билан содир этилиши мумкин бўлган ёнғинлар олдини олиш, иситиш печларининг дудбуронларини тозалаш, печларни ҳаддан зиёд қиздириб юбормаслик, газ ва электр иситиш мосламаларини мунтазам равишда назорат қилиб бориш ва бу ишни ёш болаларга топширмаслик масалалари қатъий тушунтирилмоқда.

Газ таъминоти идоралари мутахассислари эса



хонадонлардаги газ жиҳозларини тафтишдан ўтказиб, уларга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этмоқда. Қолаверса, турли ёнувчи материалларни газ плиталари устида қуритмаслик, газ келишини назорат қилиб боровчи мосламалар созилигини кўздан кечириш лозимлигини уқтиришмоқда.

Умуман олганда, ҳар биримизнинг ҳаётимиз, аввало, ўзимиз учун қадрли. Шундай экан, электр энергияси, табиий газ ва турли кимёвий бирикмалар ёрдамида ишлайдиган иситиш воситаларининг созилигига эътибор қаратайлик. Токи қишнинг қаҳратон совуғини соғу саломатликда, бағри бутунликда ўтказиб олайлик.

Шаҳнозахон СОДИҚОВА
тайёрлади.

Газетхон илҳами

Хулоса

Тўқис сийрат – илоҳий неъмат,
Тақдир эрур – суратий нуқсон.
Поклик сари йўлдир ибодат,
Ишқ азобмас, ботинга қувват.

Тоғдек суянч – сабру қаноат,
Шукроналик – бандалик тожи.
Тоза иймон руҳга шафоат,
Бир жон эса муҳтазар* бож.

Олис манзил – фанода мақсад,
Гуноҳ, савоб охиратда фош.
Ҳар бир савоб беҳиштга рихлат,
Гуноҳларинг ўз бошингга тош.

Не қилмагин ҳисобсиз бўлмас,
Сўнг бекалда турар тарози.
Икки макон бандасиз қолмас,
Муносибин айтар Мирзоси.

* ўлим олди ҳолати

Бердимурод ФАЙЗИЕВ,
Пахтачи тумани

Muassis:

Ўзбекистон мусулмонлари
идораси “Shamsuddinxon
Boboxonov” NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek
IMOMNAZAROV**

Шамсуддин Нури

Bosh muharrir:
Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR	Komiljon BURHONOV
Sodiq TOSHBAYEV	Tolibjon NIZOMOV
Homidjon ISHMATBEKOV	Hikmatullo TOSHTEMIROV
Shayx Abdulaziz MANSUR	Muzaffar KAMOLOV
Obidjon QODIROV	Salohiddin SHERXONOV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV	Azizbek XOLNAZAROV
Zayniddin ESHONQULOV	Jamoatchilik kengashi:
Muhammadsharif JUMAN	Alisher ESHIMOV
Xolmat ATABAYEV	Islomiddin ZUHRIDDINOV
	Rustam JAMILOV

Toshkent – 100069, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
To'liq SHERNAYEV
Musahhiha:
Zebo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
15.11.2024
Xulosa (№03-07/6959) olindi:
26.11.2024
“SHAMSUDDINXON
BOBOXONOV” NMIU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.450
24-3/23-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор.
Ножиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and
hadiths. Please, do not put it
in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не
оставляйте в неподходящих местах!